

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. TAR.01.04-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

БОЙМУРОДОВ ШУХРАТ ТОШКЕНТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1991-2016 ЙЙ)”**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

УЎК: 94(575.1) “1991-2016”:377(09)(043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophi (PhD) dissertation

Б оймуродов Шухрат Тошкентович

Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўзгаришлар
(1991-2016 йй) 3

Боймуродов Шухрат Тошкентович

Изменения в системе среднего специального, профессионального
образования в Узбекистана (1991-2016 гг.) 23

Boymurodov Shuxrat Toshkentovich

Changes in the system of secondary specialized vocational education in Uzbekistan
(1991-2016)..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. TAR.01.04-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

БОЙМУРОДОВ ШУХРАТ ТОШКЕНТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1991-2016 йй)”**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.3. PhD/Таг 91 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашева Юлдуз Алимовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор

Шамсиева Ирода Махмудовна
тарих фанлари номзоди.доцент

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 03/30.12.2019. Таг.01.04 рақамли Илмий Кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория). Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04).

Диссертация автореферати 2020 йил “ _____” _____куни тарқатилди.
(2020 йил “ _____” _____даги _____-рақамли реестр баённомаси).

А.А. Маврулов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т. ф.д., профессор.

Д.Ж.Ураков
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т. ф.н., доцент

Г. А. Агзамова
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т. ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Таълим тизими тарихий тараққиётнинг барча даврларида жамият ривожининг энг муҳим омилларидан бири бўлиб келган. Дунё миқёсида таълим соҳасига жиддий эътибор қаратилиб, бу борада қатор халқаро ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирда, БМТнинг таълим соҳасидаги фаолиятини ЮНЕСКО халқаро ташкилоти мувофиқлаштириб келади. Ташкилотнинг ташаббуси билан дунёнинг турли мамлакатларида таълим сифатини ошириш, мазкур соҳада тегишли андоза, стандартларни жорий этиш, турли инновацион лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қатор тадбирлар олиб борилди. ЮНЕСКО томонидан 2003 йили “Барқарорлик ва тараққиёт учун таълим 10 йиллиги” эълон қилинди¹. Бу борада Ўзбекистонда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг таълим соҳасидаги Глобал ҳамкорлигига аъзо бўлди².

Жаҳонда таълим тизимини ривожлантириш дастурларини амалиётга татбиқ этиш юзасидан қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўрта махсус таълим тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва талабалари сонининг динамикаси, ўрта махсус таълимни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш, нодавлат таълим тизимининг ижтимоий-маданий соҳа ривожига ўрни, таълим муассасаларини модернизация қилиш муаммолари, тизимда интеграция жараёни, тайёрланган кадрларга меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф, муайян ҳудуд иқтисодини ривожлантиришда ўрта махсус таълими соҳасининг ўрнини ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида иқтисодий инфратузилманинг йўлга қўйилиши ўз ўрнида таълим соҳасидаги сиёсатга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги Фармонида “...ёшларнинг замонавий касб-ҳунарни пухта эгаллаш учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларни рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш”³ деб белгиланиши ҳам мавзунинг долзарблик жиҳатини оширади. Ўрта махсус таълимни ривожлантиришда асосан сон кетидан қувиш тенденцияси етакчилик қилганлиги, кадрлар масаласи, бошқарув тизимидаги камчиликлар ва бошқа омиллар туфайли Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни тўла амалга ошириш имкони бўлмади. Замонавий шароитда ўрта махсус таълим соҳасида субъектив ва объектив сабабларга кўра маълум бўшлиқ ва хатоликлар рўй берди. Бугунги кунда ушбу жараёнларни ўрганиш зарурияти келиб чиқди. Соҳа тарихини комплекс равишда тадқиқ қилиш, замонавий тарих фани

¹ <http://www.uza.uz/oz...yunesko...va...y...15-11-2016>

² fikir.uz/blog/toshkent_islom...

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб – қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон Фармони. // www.lex.uz.

талаблари асосида тарихий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатларини ўрганиш долзарб вазифалардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси-ни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон Фармони, “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 25 январь 5313-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2018 йил 3 февраль ПҚ-3504-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 25 май 391-сон Фармони ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, Ўзбекистон тарихининг мустақиллик даври билан боғлиқ айрим жиҳатларни ёритишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта махсус таълим тизими мавзусига доир яратилган асарлар кўламини ҳисобга олиб, улар даврий жиҳатдан ва назарий–концептуал моҳиятига кўра бир неча гуруҳларга ажратиб таҳлил этилди. Биринчи гуруҳга - мустақиллик даврида яратилган тадқиқот ишларини; иккинчи гуруҳга - даврий матбуотда эълон қилинган илмий-таҳлилий материалларни ва учинчи гуруҳга - хорижий муаллифлар томонидан эълон қилинган тадқиқот ишларини киритиш мумкин.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида ўрта махсус таълим тизимини тадқиқ қилиш ишлари жуда суст бориб, муаммо тарихини ёритиб берадиган бирорта яхлит рисола ёки монография эълон қилинмади. Таълимга бағишланган адабиётларда ўрганилаётган мавзунинг у ёки бу жиҳатига қисман тўхталиб ўтилган, холос⁴.

1997 йил 29 августда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан матбуотда жараённи ёритишга жиддий эътибор берилди. Дастлаб эълон қилинган ишлар асосан даврий нашр характерида бўлсада, мавзу тарихшунослигида ўзига хос ўринга эга⁵. Мақолаларда тор доирадаги масалалар кўтариб чиқилиб, муайян бир

⁴ Зарипов Б. Илму маърифат – истиқлол таянчи // Халқ сўзи, 1994, 23 февраль; Тарбияга муҳтож тарбия // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 24 апрель; Турсунов И. Илм – истиқлол чироғи // Маърифат, 1994, 30 март; Йўлдашев Ж. Ғ. Ўзбекистон Республикаси таълими тараккиёт йўлида. – Т.: Ўқитувчи, 1994; Бобожонов С. Ҳунар таълими янгиланиш йўлида // Маърифат, 1996 йил, 25 сентябрь.

⁵ Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш миллий модели: XXI асрни кўзлаб // Халқ таълими. – №4, 1998. Б. 21-29; Саттаров Ш. Касб-хунар таълими мазмунини интеграциялаш // Халқ таълими. – №3, 1998. – Б.

таълим муассасаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жиҳозлари, ўқувчиларнинг ютуқлари ва бошқа шунга ўхшаш муаммолар хусусида фикр юритилади.

Бугунги кунда ўрта махсус таълим тизими тарихига оид кўплаб кичик ҳажмдаги илмий ишлар билан бирга умумлаштирувчи характердаги бир нечта монография⁶ ва диссертация ишларини⁷ санаб ўтиш мумкин. Аммо ишларнинг аксариятида соҳага оид масалалар ахборот-маълумотнома характерида ёки илмий-оммабоп тарзда баён этилган. Мазкур ишларда асосан Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Таълим тўғрисидаги қонун қабул қилингандан кейинги давр таҳлилига аҳамият берилган. Қ. Эргашев, Ш. Қурбонов, Э. Сейтхалилов, Б. Қодиров, Э.Каримовларнинг асарлари шулар жумласидандир. Таъкидлаш лозимки кейинги йилларда ўрта махсус таълим масалаларига бағишланган қатор диссертациялар ҳам ҳимоя қилинди. Улар орасида айниқса, Д. Д. Баҳранов Р.Б.Сиддиқовларнинг диссертациялари бевосита тадқиқ этилаётган мавзуга яқинлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, Д. Д. Баҳрановнинг тадқиқот ишида мустақилликнинг дастлабки даврларида ўрта махсус таълими масаласига қисман тўхталиб ўтилса, Р. Б. Сиддиқовнинг ишида муаммонинг 2001 йилгача бўлган тарихи тадқиқ этилади. Хорижий давлатларда кейинги йилларда Марказий Осиё маданий ҳаёти, хусусан,

114-117; Абдуқудусов О., Сафоев Р. Меҳнат ва касб-хунар таълими ўқитувчилари тайёрлашга давр талаблари // Халқ таълими, 1999. – №2-3. – Б. 97-100; Маҳмудов Ю., Икромов А., Тўраев А. Таълим ислоҳоти – маънавий эҳтиёж ва ижтимоий зарурат // Халқ таълими, №5, 2000. – Б. 17-22; Ходжабоев А. Р. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида мониторинг // Касб-хунар таълими. – №4, 2008. Б.16; Абдурахмонов М. Таълим ва тарбия изчиллигини таъминлаш – муваффақият омили // Касб-хунар таълими. – №1, 2009. – Б.8-11; Жавлонов Ш. Касб-хунар – инсон зийнати // Ма'rifat, 2010, 30 сентябрь; Ҳамдамов М. Т. Кадрлар тайёрлашда анъаналар ва янгиликлар // Касб-хунар таълими. – №1, 2011. Б. 2-5; Умарқулов А. Кичик мутахассислар салоҳияти // Ма'rifat, 2012, 16 май; Коллеждан – корхонага. // Ўзбекистон овози, 2014, 18 январь.

⁶ Эргашев Қ. Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожланиш тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1998; Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Непрерывное образование в национальной модели подготовки кадров. – Т.: Маърифат, 1999; Национальная модель по подготовки кадров: влияние на развитие общества. – Т.: Университет, 1999; Кадрлар тайёрлаш дастури: педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. – Т.: Фан, 1999; Қодиров Б. Таълим тизимидаги ислохотларнинг мақсад ва йўналишлари. – Т.: Ўқитувчи, 1999; Таълим янгиланиш йўлида. – Т.: Ўқитувчи, 2000; Баркамол авлод орзуси. – Т.: 2000; Содействие реформированию системы непрерывного образования Республики Узбекистан. – Т.: Молия, 2000; Истиқлол ва таълим: халқ таълими мустақиллик йилларида. (1991-2001); Р. Ҳ. Жўраев таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2001; Национальная модель и программа по подготовки кадров – достижения и результат независимости Узбекистана. – Т.: Маърифат, 2001; Каримов Э, Хоразм вилоят ўрта махсус ўқув юртлари мустақиллик йилларида. – Т.: Шарқ, 2001.

⁷ Маврулов А. А. Культура Узбекистана на современном этапе: общее состояние. Проблемы. Тенденции развития (середине 70-х – 1990 гг.). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Т.: 1993; Толибов Р. Н. Развитие и совершенствование системы среднего специального образования и подготовка кадров специалистов в Узбекистане: опыт и проблемы. Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Т.: 1993; Баҳранов Д. Д. Развитие профессионально-технического образования в Узбекистане (1980-1995 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т.: 1997; Эргашева Ю. А. Культура Узбекистана: состояние, тенденции и проблемы развития (50-60-е годы). Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Т.: 1998; Курбанов Ш. Э. Социально-педагогические особенности национальной модели и программы по подготовке кадров. Автореф. дисс... докт. пед. наук. – Т.: 2000; Алимов М. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. 2000; Сиддиқов Р. Б. Среднее специальное профессиональное образование Узбекистана в период советского тоталитаризма и в годы независимости (1945-2001 гг.).- Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т.: 2002;

таълим ва соҳасидаги ислоҳотларни ўрганишга бўлган қизиқиш ортди. Мазкур ҳолни маълум ишлар мисолида ҳам гувоҳи бўлишимиз мумкин⁸.

XXI аср бошларида МДҲ давлатларида ўрта махсус таълими муаммоларига бағишланган қатор диссертация ишлари бажарилди⁹. Шунингдек, хориж мамлакатларида ўрта махсус таълимнинг аграр, педагогика, тиббиёт, санъат ва бошқа соҳалари алоҳида ўрганилган ишларни ҳам учратиш мумкин¹⁰. Ўзбекистонда ҳали бу тажриба амалиётда кузатилмайди.

Мавзу тарихшунослиги таҳлили натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар кўлами кўшни давлатларга нисбатан анча орқада қолганлигини эътроф этиш лозим. Ўрта махсус таълим тизими тарихи яхлит тадқиқ этилиб, рисола ёки монография шаклида нашр этилмаган. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида ўрта махсус таълимнинг хилма хил йўналишлари, уларнинг функциялари, умуман мазмун-моҳияти алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган ОТФ 8-211 “XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи” номли фундаментал, амалий, инновацион тадқиқотлар билан боғлиқ равишда олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўрта махсус таълим тизимидаги ўзгаришлар, амалга оширилган тадбирлар ва уларнинг моҳиятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида ўрта махсус, касб-ҳунар тизимидаги ислоҳотлар масаласини тадқиқ этиш;

⁸GloasonGregory . The central Asia States :Discovering Independence. Boulder . ColoradoWestviewPress. 1997; MayhewBradleyPlunkelt, Richard. Richmond , Simon. LonelyPlanetCentralAsia 2thed . Lonely Planet Pub. 2000; The new Central Asia : The Creation of Nations by Oliver Ray . New York University Press, 2000. Sartori P. Visions of Justice: Sharia and Cultural Change in Russian Central Asia. –Brill, 2016;

⁹ Ниёзов Т. Становление и развитие средних специальных учебных заведений Таджикистана в предвоенные годы (1924-1941 гг.) Автореф. дис.... канд. ист. наук. – Ходжанд, 2003; Глушиева М. Р. Развитие учреждения среднего профессионального образования. Автореф. дисс.... канд. пед. наук. – Москва, 2004; Новикова И. В. Среднее специальное образование в РСФСР в 1965-1980 гг. Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Славянск-на-Кубани. 2006; Жидких Т. М. Управление образовательным процессом в колледже на основе синергетического подхода. Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Ярославль. 2007; Попов В. П. Государственная политика развития среднего специального образования в России: исторический опыт и реализация. 1920-2000-е годы. Автореф. дисс.... докт.. ист. наук – Москва, 2007; Мацкайлова О. А. Гуманитаризация учебного процесса в системе профессионального образования. Автореф. дисс.... докт. пед. наук. – Волгоград, 2010; Семина О. А. Взаимосвязь профильного и непрерывного обучения в системе образования США и России. Автореф. дисс.... канд. пед. наук. – Казань, 2011; Бегунов И. Д. Развитие профессионального среднего образования в России. Автореф. дисс.... пед. наук. 2011.

¹⁰ Сунгатов В. С. Становление и развитие среднего специального ветеринарного образования в республике Татарстан. Автореф. дисс.... канд. пед. наук. – Казань, 2005; Харламов В. А. Становление и развитие среднего специального сельскохозяйственного образования в советской России в 1917-1940 гг. Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Курск, 2006; Харитонова Л. Н. Развитие среднего специального аграрного образования в 1965-1985-х гг. (На материалах Саратовской области). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Саратов, 2009.

- Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ ўрта махсус таълим тизимидаги ўзгаришлар ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муаммоларини ўрганиш;

-ўрта махсус, касб-хунар таълим соҳасида ўқув-тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилиши ва уларнинг натижасини ёритиш;

- маънавий-маърифий тадбирлар ва уларнинг характери, бир томонлама ёндашув масалаларини очиб бериш;

- Ўзбекистонда ўрта махсус таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммоларини асослаш;

- Ўзбекистонда ўрта махсус таълимни ривожлантиришда хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг ўрнини ёритиб бериш;

- тадқиқот натижасида қўлга киритилган илмий хулосаларга таяниб, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрта махсус таълим соҳасини ривожлантиришга оид таклиф ва мулоҳазаларни баён қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўзгаришлар белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини ўрта махсус таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг мазмуни, хусусан, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларнинг йўлга қўйилиши, ўқув муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида умумдавлат, минтақавий ва цивилизация ёндашувга асосланиб, ҳаққонийлик, тизимлилик, даврийлик ва тарихий-манتيкийлик, илмийлик, холислик, қиёсий методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим тизими зиддиятли ва мураккаб даврни бошидан кечириб, соҳа ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш юзасидан муайян тадбирлар олиб борилиши билан бир қаторда ўрта махсус таълим тизимида кадрлар тайёрлаш ҳудудлардаги иқтисодий тармоқларнинг реал эҳтиёжларидан ортда қолган ҳолда қабул квоталарини белгилашда меҳнат бозори эҳтиёжлари ўрганилмаганлиги асосланган;

Таълим самарадорлиги ўқув жараёни билан чамбарчас боғлиқлиги инобатга олинаиб, академик лицей ва касб-хунар таълими тизимидаги мавжуд таълим йўналишлари бўйича ўқув дастурлари ва адабиётлар тайёрлаш ҳамда нашр эттиришга бир қадар эътибор қаратилган бўлсада, ўқув адабиётларини яратишга масъул бўлган олий таълим муассасалари ўқув дарсликлари яратиш режасини бажармаганлиги, амалий машғулотлар ва ўқув амалиётларини давлат таълим стандартларига мувофиқ равишда ташкил этиш учун таълим муассасалари керакли хом ашё ва материаллар билан таъминланмаганлиги ёритиб берилган;

битирувчиларда касб кўникмалари ва маҳоратни етишмаслиги, уларнинг ўз билимларини амалиётда етарли даражада қўллай олмаслиги ҳамда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишдаги камчиликлар, амалиёт ва ўқув жараёни ўртасидаги алоқанинг етарли эмаслиги ва битирувчилар билим даражасининг пастлиги уларни ишга олишда муаммоларга сабаб бўлганлиги очиб берилган;

худудларда транспорт инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганлиги, ўқув биноларнинг аҳоли пунктларидан узоқ масофада жойлашуви, касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларни интеллектуал, маънавий-маърифий тарбиялашга юзаки ёндашиш, уларнинг бўш вақтларини ташкил этишнинг самарасиз механизми давоматнинг тушиб кетишига ва ўқувчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар сонининг ортишига сабаб бўлганлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим соҳасида кечган тарихий жараёнларни тадқиқ қилишда қўлланилиши мумкин бўлган назарий-услубий асослар аниқланган;

ўрта махсус таълим тизимини такомиллаштириш борасидаги давлат сиёсатининг мақсади – баркамол авлодни шакллантиришга йўналтирилгани мисоллар ёрдамида очиб берилган ҳамда соҳани қайта ислоҳ қилиш бўйича дастур ишлаб чиқишга доир тавсиялар белгиланган;

соҳани молиялаштиришда турли вазирликлар, хўжалик бирлашмаларини жалб этиш, кадрлар тайёрлаш ишида интеграцияни таъминлаш, соҳа тарихи ва ҳозирги кундаги ҳолатини тарихий нуқтаи назардан ўрганиш ва натижаларга қараб, уларнинг ташкил этилишига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланган методлар, ёндашувлар қатор тарихий адабиётлардан фойдаланилгани, бирламчи архив манбаларига таянилганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда келтирилган таҳлилий маълумотлар, назарий фикрлар ва хулосалар Ўзбекистон таълим тарихига оид методологик-услубий ёндашувларни мукамаллаштиради. Шунингдек, таълим соҳаси меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, педагог кадрлар тайёрлашга оид назарий хулосалар ҳамда услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати, хусусан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилишига, таълимни янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий, назарий-амалий асосларини яратиш ҳамда таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихи фани бўйича янги ўқув курсларида фойдаланишга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўрта махсус таълимнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

ўрта махсус таълимни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати ва унинг натижаси, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар контекстида таълим тарихининг хронологик босқичлари ҳамда таълим муассасалари шаклларига берилган тавсиф, тизим моддий-техника базасининг ҳолати, умуман, соҳадаги ислохотларининг моҳиятини аниқлашга доир натижаларидан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган ОТ-Ф8-211 рақамли «XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2018 йил 20 декабрдаги № 89-03-4387-сон маълумотномаси). Бу таълимнинг бошқа босқичлари каби ўрта махсус таълими тизими қайтадан ташкил этилиши, таълим тизими тубдан ва мутлоқ ислохотларга муҳтож эканлиги ҳақидаги ҳақиқатни кенг оммага етказишга хизмат қилган;

ўрта махсус таълим соҳасида ёшлар маънавий тарбияси ва унинг шакллари, коллеж ва лицейларда бу соҳада олиб борилган тадбирлар, ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан кўрилган чоратадбирларга доир натижаларидан Қарши давлат университетиде бажарилган ОТ-Ф8-022 “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2018 йил 20 декабрдаги № 89-03-4387-сон маълумотномаси). Бу Ўзбекистонда ўрта махсус таълим тизимида маънавий-маърифий ишларнинг яхши йўлга қўйилиши Республикада жиноятчиликнинг олдиди олишда энг самарали воситалардан бири эканлигини омма онгига сингдиришга хизмат қилди;

Тадқиқот натижаларидан Республика маънавият ва маърифат марказининг “2018-йилдаги маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора тадбирлар дастури” нинг 3-боб “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 22-декабрдаги Олий мажлис палаталарига мурожаатномасини кенг аҳоли қатламларига етказиш бўйича тизимли тарғибот ишлари” 23-банди “Ўзбекистон Конститутциясининг аҳоли қатламлари орасида маҳаллалар, таълим муассасалари ва ташкилотларда “Конститутция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт” мавзусидаги давра сухбатлар ўтказишда кенг фойдаланилган. (Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 25.03.19 йилдаги 02/09-305-19 сонли далолатномаси)

Республикада ўрта махсус таълим тизими маънавий-маърифий тадбирлар, халқаро алоқалар тизимида таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ўрнига доир натижалардан Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг бир нечта сценарийлари, кўрсатувлари ва эшиттиришларини шакллантириш-

да фойдаланилган. (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2017 йил 2 ноябрдаги 12-15-1484-сон маълумотномаси). Бу ёшлар онгида диний экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан мурасимчилик, ёшларни хориж таълим соҳасига қизиқтириш ва уларга интилишини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан 1 та халқаро конференцияда ва 19 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (улардан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 161 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган; мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги асосланган; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган; тадқиқот усуллари аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўрта махсус, касб-хунар тизимидаги ислохотлар”** деб номланган биринчи бобида мустақилликнинг дастлабки йилларида ўрта махсус таълими аҳволи ва соҳадаги ислохотлар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ ўрта махсус таълим тизимидаги ўзгаришлар ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш хусусидаги маълумотлар умумлаштирилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим тизими зиддиятли ва мураккаб даврни бошидан кечириб, соҳа ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш юзасидан муайян тадбирлар олиб борилди. 1992 йили қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Ўзбекистон Республикаси хунар-техника таълимини ривожлантириш концепцияси” ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди¹¹.

Ўзбекистонда биринчи марта “лицей”, “коллеж” каби таълим турлари тўғрисидаги тушунчалар кириб келди. 1993 йил 27 майда “Лицей тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Мазкур таълим муассасалари ҳақида бахс

¹¹ ЎзР МДА, 2653-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 200-208-варақлар.

мунозалар бўлди¹². 1991-1992 ўқув йилида 29 та лицейда 9,3 минг ўқувчи таҳсил олди¹³. Улар асосан йирик шаҳарларда очилди.

Ўрта махсус таълим тизимидаги энг жиддий муаммо бу уларнинг моддий-техник базаси билан боғлиқ бўлиб, республикадаги аксарият ўрта махсус таълим муассасалари биноси таъмирталаб эди. Масалан, Ўзбекистонда 1991-1992 ўқув йилида 474 та ҳунар-техника билим юртлари бўлиб, шундан замонавий типдагиси 279 тани, мослаштирилгани 175 тани, авария ҳолатдагиси эса 20 тани ташкил этди¹⁴. Ўрта махсус таълим тизимидаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, кадрлар тайёрлаш жараёни республикада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермас эди.

Янги турдаги ўқув муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш иши асосан ҳомий ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилди. Масалан, Андижон шаҳридаги 13-ҳунар-техника билим юртига “ДЭУ” корпорацияси, 16-ҳунар техника билим юртига “Кўрғонтепа ип газлама комбинати”, 35-ҳунар-техника билим юртига “Андижанкабель” заводи доимий ҳомийлик ёрдамни кўрсатди¹⁵.

1992 йилда билим юртларининг янги ўқув режалари ўзбек тилида ишлаб чиқилди ва 1992-1993 ўқув йилидан бошлаб амалда қўлланилди¹⁶. 1993 йилдан бошлаб республикадаги 37 та педагогика билим юртларида янги ўқув режалари асосида таълим беришга ўтилди¹⁷. Натижада олий ўқув юртларида ҳунар билим юртлари учун фан дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш бўйича ижодий гуруҳлар ташкил этилди. Тошкент, Қўқон, Навоий педагогика институтларида шундай гуруҳлар фаолият кўрсатди.

Аммо янги турдаги таълим муассасалари учун ўқув режаси ишлаб чиқишда муаммолар кўп бўлди. Масалан, лицей раҳбарлари ҳафталик соатларни фанларни интеграциялаш ҳисобига камайтириш эмас, балки фанларга ажратилган ҳафталик дарс соатлари ҳажмини кўпайтириш ҳисобига ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Бу эса ўз ўрнида ўқувчининг физиологик ҳолати ҳисобга олинмай ишлаб чиқилганлиги туфайли, амалда самараси кам бўлди.

1992 йил “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг ўзини оқламаганлиги ҳолатларининг бир қатор сабаблари кузатилди. Аввалги тузум мафкурасидан тўла халос бўлина олинмаганлиги, таълим босқичлари ўртасида узвий боғлиқликнинг етарли бўлмаганлиги, таълим соҳасида халқаро тажрибадан унумли фойдалана билмаслик, таълим ислохотларининг жамиятдаги ўзгаришлардан ортда қолиши каби омиллар шулар жумласидандир. Ўрта таълим муассасалари ўқув режасига янги фанлар киритилсада, аммо уларни

¹² Жалолитдинов З. Янги турдаги таълим муассасалари истиқболлари // Халқ таълими, 1996, №3, - Б. 32-40.

¹³ ЎзР МДА, М-26-фонд, 1- рўйхат, 140 - иш, 4-варақ.

¹⁴ Маърифат, 2010, 30 сентябрь.

¹⁵ Султонов М. Таълим ислохотларини чуқурлаштирайлик // Халқ таълими.– 1996, №4.– Б.11-13.

¹⁶ ЎзР МДА, М-26-фонд, 1- рўйхат, 268- иш, 19-варақ.

¹⁷ ЎзРХТВ жорий архиви, 3845-фонд, 28-рўйхат, 9467-иш, 39 варақ.

ўқитиш учун ўқув қўлланмалар ва педагогик кадрлар етишмади. Ўзбекистонда 1997 йили “Таълим тўғрисида”ги қонун янгидан қабул қилиниб, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳаётга татбиқ этилиб борилди¹⁸. Бу эса юртимизда таълим тизими ислохотига устувор вазифа сифатида эътибор берганлигини кўрсатади. Ўрта махсус таълим муассасалари асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарувида бўлиб, улар сони йилдан-йилга ортиб борди. Ўзбекистонда 1997-1998 ўқув йилида 259 та ўрта махсус таълим муассасаси бўлиб, ўқувчилар сони 224,8 минг нафар, 2015-2016 ўқув йилида эса ўрта махсус таълим муассасалари сони 1566 тани ва ўқувчилар 1498 минг нафарни ташкил этди¹⁹. 2018-2019 ўқув йилида эса ўрта махсус таълим муассасалари сони яна камайиб, 1537 тани ташкил этди ва коллежларда 656,3 минг ўқувчи, лицейларда 70,8 минг ўқувчи таҳсил олди²⁰, бу эса ўрта махсус касб-хунар таълимини кенгайшига олиб келган бўлсада умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини тулиқ қамраб олишга эришмади.

1998-2015 йилларда Таълим стандартлари асосида жами 1500 дан ортиқ ўқув дастурлари асосида касб-хунар коллежларида 230 дан ортиқ касб, 670 та ихтисослик, академик лицейларда 5 та йўналиш бўйича ўқувчилар ўқитилди²¹. 2016-2017 ўқув йилида соҳалар бўйича ўқувчилар қабули ўтган ўқув йилига нисбатан бизнес, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, таълим, ҳуқуқ йўналишларига камайган бўлса, хизматлар, қурилиш ва коммунал хўжалиги, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат соҳалари учун мутахассис тайёрлаш кўпайди²².

Республикадаги қатор ўқув юртлири тез-тез қайтадан бошқа ихтисослик бўйича кадрлар тайёрлашга йўналтирилди. 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб 22 та касб-хунар коллежлари қайта ихтисослаштирилди²³. Бу эса ўз навбатида кўплаб маблағларнинг бесамар сарф бўлишига сабаб бўлди. Таҳлиллар шундан далолат берадики, Республикада ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлашда талаб ва таклиф ўртасида номувофиқликлар мавжуд бўлди. Меҳнат бозори талабларидан ортиқ даражада кадрлар тайёрланди. Масалан, 2005-2006 ўқув йили ахборот-коммуникация технологиялари бўйича битирувчиларига талаб 6817 нафар бўлса, амалда 8690 нафар тайёрланди. Бу кўрсаткич 2007-2008 ўқув йилида 28025 нафардан 18081 нафар бўлди. Вилоятлар кесимида ўрганилганда аҳвол бундан ҳам оғир бўлди. Шу ўқув йилида Жиззах вилоятида ушбу йўналиш учун 1525 нафар кадр тайёрланиб,

¹⁸ Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Ўзбекистон, 1998. Б. 20-21.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси статистик тўплами. – Т., 2017. – Б.77-79.

²⁰ <http://www.stat.uz/>. 2018 йилнинг январь-декабр ойлари яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг асосий статистик кўрсаткичлари 1 бет.

²¹ ЎзР ЎМКХТМ жорий архиви. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида эришилган натижалар тўғрисида маълумот, 1-5-варақлар.

²² ЎзР ЎМКХТМ жорий архиви, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тизимида 2016 йил яқунлари бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида маълумотнома. 1-16 варақлар.

²³ Уша жойда.

амалда талаб 85 нафар мутахассисга бўлган²⁴ бу эса тизимда иш билан таъминлашда муаммолар кетириб чиқарган.

Хуллас, Ўзбекистонда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши ўрта махсус таълим соҳасида муайян даражада ўзгаришга сабаб бўлди. Ўрта махсус касб-хунар таълимига ўқувчилар қабули режасидаги хатоликлар, қабул режасида белгиланганидан ортиқ даражада ўқувчиларнинг қабул қилиниши, баъзи касб-хунар коллежлари йўналишининг ўзгартирилиши, давлат бюджетидан соҳа моддий-техника базасини мустақамлаш учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланмаслик ёки шартномаларда кўрсатилган маблағ ва жиҳозларнинг тўла ўзлаштирилмаслик ҳолатлари соҳадаги ислохотларининг самарасиз яқунланишига асос бўлди.

Диссертациянинг **“Ўрта махсус, касб-хунар таълим соҳасида ўқув-тарбиявий ва маънавий-маърифий ишлар ва уларнинг натижаси”** деб номланган иккинчи бобда ўрта махсус таълим тизимида ўқув-тарбия ишларнинг йўлга қўйилиши, маънавий-маърифий тадбирлар ва унинг ёшлар маънавий қиёфасининг шаклланишга таъсири масалалари ёритиб берилган.

Таълим тизимининг энг муҳим вазифаси – бу аввало, ўқув жараёнини ташкил этишдир. Хусусан, ўрта махсус таълим тизимида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августда «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида»ги 341-сонли қарори қабул қилинди. Умуман, 1998-2010 йиллар давомида 17,6 млрд. сўмлик, адади 6,5 млн нусхадан ортиқ бўлган 1254 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланди ва нашр қилинди²⁵. Аммо баъзи йўналишлар бўйича ўқув адабиётлари диярли яратилмади. Энергетика, транспорт, нефт ва газ, токарлик ва фрезерлик касблари миллий обидаларни таъмирлаш, сартарошлик, мисгарлик соҳалари шулар жумласидандир. Масалан, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари учун ўқув адабиётларини яратишга масъул бўлган олий таълим муассасалари ўқув дарсликлари яратиш режасини бажармай келди: 2006 йили Ўзбекистон давлат консерваторияси 10 номда, Тошкент давлат авиация институти 2 номда, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти 2 номда, Тошкент давлат санъат институти 14 номда, Миллий рассомлик ва дизайн институти 25 номда, жами режага киритилган 53 номдаги ўқув адабиётлари яратилиши кечикди²⁶. Ўрганилаётган даврда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари учун дарсликлар савдоси билан шуғулланувчи бирорта ҳам ихтисослашган корхона мавжуд эмас эди.

2016-2017 ўқув йилида таълим муассасалари эҳтиёжига кўра инглиз тилидан 448952 нусхада дарслик, 7651 нусхада ўқув методик қўлланма нашр

²⁴ЎзР ЎМКХТМ жорий архиви. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида эришилган натижалар тўғрисида маълумот, 2006 йил 4-варақ.

²⁵ Жавлонов Ш. Касб-хунар – инсон зийнати // Ма’рифат, 2010, 30 сентябрь.

²⁶ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-инизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // Халқ сўзи, 2017, 16 январь.

этиш бўйича тендер савдолари бўлиб ўтди. Тендер савдоларида ғолиб бўлган нашриётлар билан шартномалар имзоланди ва нашриётлар томонидан 504 мингдан ортиқ дарслик ва методик қўлланмалар нашр этилиб академик лицей ва касб-хунар коллежларига тарқатилди.²⁷

Ўрта махсус таълим тизимида академик лицейлар муҳим роль ўйнади. Академик лицейлар асосан Республиканинг йирик шаҳарларда ташкил этилиб, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларда дарс берган педагогик кадрларнинг илмий салоҳиятини кўтариш, АЛ ўқувчиларининг республика ва халқаро фан олимпиадаларида фахрли ўринлари эгаллаш, биритувчиларининг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичини кўтариш ишига жиддий эътибор берилиб, бу борада АЛ ларда соғлом рақобат муҳити йўлга қўйилди. Республикадаги университетлар ва институтлар қошида ташкил этилган АЛлар, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчилари ўз ижобий натижалари билан Республикани жаҳонга тантишда муҳим роль ўйнади. Ёки 2004-2005 ўқув йилида академик лицейларни битирган 7115 ўқувчидан 3930 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди²⁸. Ўқувчилар халқаро фан олимпиадалари ва танловларда ҳам иштирок этди. 2000-2014 йиллар мобайнида нуфузли халқаро фан олимпиадаларида иштирок этган ўқувчилардан 7 таси олтин, 27 таси кумуш ва 67 таси бронза медалларини қўлга киритди. Хусусан, ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида математика фанидан Корея (2000), АҚШ (2001), Япония (2008), Австрия (2009), Қозоғистон (2010) да бўлиб ўтган халқаро олимпиадаларда ўзбекистонлик ёшлар 5 та кумуш, 8 та бронза медали ҳамда 2 та диплом, 4 та фахрий ёрлик қўлга киритди²⁹. Бошқача айтганда, истиқлол йилларида ёшларимиз ўзини амалда номоён этиш учун имкониятлар янада кенгайди.

2015 йили ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг IV босқичи 1-Тошкент педагогика коллежида ўтказилди. Олимпиаданинг якуний босқичида 4200 нафар III босқич иштирокчидан 389 нафар иқтидорли ва билимли ўқувчилар иштирок этди. Натижада, 15 та фандан 30 нафар ғолиб ўқувчилар аниқланди³⁰.

Республикадаги академик лицейлар олий ўқув юртлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, хорижий илмий муассасалар билан ҳам ҳамкорлик қилди. Масалан, Сам ДУ қошидаги академик лицей Россиянинг Романовский номидаги математика институти билан ҳамкорлик шартномасини тузди³¹. 2001 йил 3 сентябрда мазкур

²⁷ ЎзР ЎМКХТМ жорий архиви, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тизимида 2016 йил якунлари бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида маълумотнома. 1-16 варақлар.

²⁸ ЎзР ЎМКХТМ жорий архиви. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан 2005 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботи, 1-16-варақлар.

²⁹ Жавлонов Ш. Касб-хунар – инсон зийнати // Ма'rifat, 2010, 30 сентябрь.

³⁰ ЎзР ЎМКХТМ жорий архиви, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тизимида 2016 йил давомида амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида маълумотнома. 5-15 варақлар.

³¹ Абдурахмонов М. Таълим ва тарбия изчиллигини таъминлаш – муваффақият омили // Касб-хунар таълими №1, 2009. – Б. 8-11.

академик лицейда корейлик мутахассис, биология фани эксперти, профессор ТэЯнг Чун иштирокида ўқув семинари ўтказилди³². Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи эса Ҳиндистон маданий маркази билан яқиндан ҳамкорлик қилди³³. Булар натижасида ўрта таълимни янгилаш мақсадида ўрта махсус таълим тизимидаги дунё эътироф этган тажрибалар ҳам кенг ўрганилди.

Ўрта махсус таълим тизими фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлар-идан бири битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда бу борада негатив тенденциялар етакчилик қилди. Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришлари тўғрисида асосан ёлғон маълумот-номалар тўлдирилди. Масалан, 2005 йил Республика Бош Прокуратураси томонидан текширилганда, Тошкент шаҳрида 70 фоиз, Наманганда 71,3 фоиз, Хоразмда 72,9 фоиз, Қашқадарёда 76 фоиз, Навоийда 87,5 фоиз битирувчиларни ишга жойлаштирилганлиги ҳақидаги маълумотномалар асоссиз бўлиб чиқди.³⁴ Чортоқ маиший хизмат кўрсатиш, Чуст саноат, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежлари, Косонсой иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, Ангор педагогика коллежида, Халқобод педагогика коллежларида шундай ҳолатлар аниқланди. 2009-2010 ўқув йили касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича маълумотлар таҳлиliga кўра Республика бўйича 400964 нафар битирувчидан 145513 нафари (36,3%) ишга жойлашган. Ишга жойлашган битирувчилардан 98585 нафари умумий битирувчиларга нисбатан 24,6% меҳнат дафтарчаси расмийлаштирилган.³⁵ Соҳани ислоҳ қилиш кўрсатиб утилган сабабларга кўра ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. 2014 йили коллеж битирувчиларнинг эгаллаган касби бўйича ишга жойлаштириш ишлари, айниқса, Сурхондарё вилоятида 18,1%, Сирдарё вилоятида 23,1%, Жиззах вилоятида 28,3% га бажарилди³⁶. Баъзан юқоридан берилган топшириқни бажариш учунгина коллеж битирувчилари расмий кўринишда ишга қабул қилиндилар. Бунинг устига битирувчиларда касб кўникмалари ва маҳорат етишмас эди.

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётида маънавий янгиланиш жараёни амалга ошириш борасида катта аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларда асосий эътибор ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишга, ҳар бир ўқувчи қалбига йўл топишга қаратилди. 1998-2005 йиллар давомида ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга доир 45 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

³² Холмухаммедов М. Ҳамкорликда ҳикмат кўп // Ма'rifat, 2002, 20 март.

³³ Мирҳожиева Н. Лицейда Ҳиндистонлик меҳмонлар // Ма'rifat, 2001, 21 февраль.

³⁴ ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонун талабларининг бузилиши, уни келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимномаси, 66-69-варақлар.

³⁵ ЎЗР ЎМКХТМ жорий архиви Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўра махсус ,касб-ҳунар таълими марказида ўтказилган ишчи йиғилиш баёни 28 июль 2010 йил 3-5 варақлар.

³⁶ ЎЗР ЎМКХТМ жорий архиви. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимида 2014 йил давомида амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида маълумотнома, 1-15-варақлар.

ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилди³⁷. Соҳадаги ўзгаришлар ўз ўрнида меъёрий хужжатларни такомиллаштириб боришни тақоза этди.

Ўрта махсус таълим тизими ўқув жараёнини ташкил этишдаги энг жиддий муаммо аввало ўқувчилар давомати билан боғлиқ бўлди. Ўқувчиларнинг дарс вақтида ўқув машғулотларга қатнашиш ўрнига кўчада мақсадсиз юришлари ўсмирлар ўрасида жиноятчилик кўрсаткичининг ортиб боришига сабаб бўлди. 2006 йили Бешкент қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг талабаси Аҳмедов Дилшод ЎзРЖКнинг 109-моддаси билан, Шахрисабз озиқ-овқат коллежи талабаси Жалилов Фазлиддин ЎзРЖКнинг 109-моддаси билан, Қарши иқтисодиёт коллежи талабаси Худойқулов Кодир ЎзРЖКнинг 183-моддасига асосан жиноий иш содир этган. 2007 йили республикадаги турли ўрта махсус таълими муассасалари ўқувчиларидан 99 нафар тарбияси оғир ўғил бола суд ажримига асосан Сирдарё вилояти Бахт ўғил болалар махсус касб-хунар коллежига ва 115 нафар қиз болани Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги махсус енгил саноат касб-хунар коллежига юборилди³⁸. Бу хол фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари (Махалла), Камолот, Маънавият ва маърифат маркази, касаба уюшмаси каби жамоат ташкилотлари, хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликнинг амалий натижаси талаб даражасида бўлмаганлигини кўрсатди.

Республикада ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари томонидан содир этилган жиноий ҳаракатлари учун Беруний қишлоқ хўжалик, Нукус транспорт, Асака иқтисодиёт, Қоракўл саноат ва транспорт, Жиззах санъат, Жиззах транспорт ва алоқа, Наманган алоқа ва транспорт, Кармана қишлоқ хўжалик, Янгиер қурилиш ва коммунал хизмат, Гулистон компьютер технологиялари, Фарғона электротехника, Қўқон компьютер технологиялари, Фурқат ижтимоий-иқтисодиёт, Фарғона компьютер технологиялари, Риштон саноат, Фарғона олимпия заҳиралари, Олтиариқ агросаноат, Олмалик қурилиш ва коммунал хўжалик, Чирчиқ қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежлари раҳбарларига интизомий жазолар қўлланилди³⁹.

Ўрта махсус таълим соҳасида спортни ривожлантиришда “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг ўрни катта бўлди. Бу спорт ўйинлари ҳар икки йилда ўтказилди. 2001 йил 30 апрель 6 майда илк марта Жиззах шаҳрида ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари иштирокида “Баркамол авлод” спорт ўйинлари мусобақаси ўтказилди, унда 538 минг ўғил-қиз қатнашди⁴⁰. “Баркамол авлод-2014” спорт мусобақаларининг Республика босқичи 2014 йил 29-31 май кунлари Наманган шаҳрида ўтказилди. Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Тошкент шаҳри, 2-ўринни Наманган ва 3-ўринни Самарқанд вилоятлари жамоаси эгаллади. Касб-хунар

³⁷ ЎзР ЎМКХТМ жорий архиви. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажарилиши бўйича 1998-2005 йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот, 14-17-варақлар.

³⁸ Уша жойда.

³⁹ ЎзР ЎМКХТМ жорий архиви. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан 2007 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботи, 2-17-варақлар.

⁴⁰ Спорт дўст, спорт-ҳамроҳ, баркамол бўл, ёш авлод // Ма’рифат, 2005, 21 май.

таълими ўқувчи-ёшлари 208 та олтин, 208 та кумуш ва 236 та бронза, жами 652 та медаллар билан тақдирланди⁴¹. Анъанага айлантирилган спорт мусобақалари ёшлар ўртасида соғломлаштириш тадбирларини ижобий ҳал этилиши ва бўш вақтни самарали ўтказишга хизмат қилди.

2017 йили ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида маънавий-тарбиявий, профилактик, педагогик-психологик ишларни сусайтириб юборганлиги учун жами Республика бўйича 85 нафар психологлар, 137 нафар директорлар, 387 нафар директор ўринбосарларига ва 3471 нафар гуруҳ раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди. Натижада 2017 йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳуқуқбузарлик ва жинойтчилик 212 тага (993/212), камайтиришга эришилди⁴².

2018 йили ўрта махсус таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича 27899 та учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Шундан, Қорақалпоғистон Республикасида 3094 та, Андижон вилоятида 3092 та, Бухоро вилоятида 599 та, Қашқадарё вилоятида 893 таси ўтказилди⁴³.

Хуллас, тадқиқ қилинаётган даврда таълим самарадорлиги ва муваффақияти энг аввало ўқув жараёни билан чамбарчас боғлиқлиги инобатга олиниб, академик лицей ва касб-ҳунар таълимидаги мавжуд йўналишлар бўйича ўқув дастурлари ва адабиётлар тайёрлаш ҳамда нашр этиришга эътибор берилсада, аммо бу борадаги муаммолар, хусусан, ўқув адабиётларини яратишга масъул бўлган олий таълим муассасалари ўқув дарсликлари яратиш режасини бажармаганлиги, амалий машғулотлар ва ўқув амалиётларини давлат таълим стандартларига мувофиқ равишда ташкил этиш учун таълим муассасалари керакли хом ашё ва материаллар билан таъминланмаганлиги, дарсликлар савдоси билан шуғулланувчи бирорта ҳам ихтисослашган корхона мавжуд бўлмаганлиги каби ҳолатлар ўқув-тарбия ишлари ривожига салбий таъсир кўрсатди.

Жамият тараққиётида маънавиятнинг ўрни юқорилиги ҳисобга олиниб, ўрта таълим тизимида ҳам ушбу масалага катта аҳамият берилди. Аммо касб-ҳунар коллежлари аҳоли яшаш жойларига яқин бўлмаган масофада жойлаштирилганлиги, айниқса, ҳудудларда транспорт инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганлиги, касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларни интеллектуал, маънавий-маърифий тарбиялашга юзаки ёндашиш, уларнинг бўш вақтларини банд этишнинг самарасиз механизми ўқувчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жинойт қилмишлар сони ортишига, ҳамда давоматнинг тушиб кетишига сабаб бўлди.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда ўрта махсус таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлаш ва халқаро ҳамкорлик алоқалари” деб ном-

⁴¹ ЎЗР ЎМКХТМ жорий архиви. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ўрта махсус, касб -ҳунар таълими тизимида амалга оширилиши тўғрисида маълумотнома, 1-варақ.

⁴² ЎЗР ЎМКХТМ жорий архиви. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан 2017 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботи, 6-варақ

⁴³ <http://www.stat.uz/>. 2018 йилнинг 4-чорак бўйича Ўзбекистон Республикасининг асосий статистик кўрсаткичлари 2 илова

ланган учинчи бобида ўқув муассасаларини педагогик кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари, Ўзбекистонда ўрта махсус таълимни ривожлантиришда хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг ўрни таҳлил этилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш учун аввало кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратилди. ЎМКХТМ томонидан “Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш дастури” ва “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагог ва муҳандис-педагог ходимларига кўйиладиган малака талаблари” ишлаб чиқилди. Ўрта махсус таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагоглар сони ҳам ортиб борди. Масалан, ўрта махсус ўқув юртларида 1998 йили жами 1145 нафар педагог фаолият кўрсатган бўлса⁴⁴, 2010 йили 107760 нафар⁴⁵, 2016 йили 120506 нафарга етди⁴⁶. Аммо педагоглар сони йилдан-йилга ортиб борган бўлсада, уларнинг касб маҳорати ва билим савияси етарли даражада бўлмаган.

